СССР Давлат ... Давлат ... СССР
311091

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 18 октябрь, сешанба | №156 (21.730) | Сотувда эркин нархда.

БУЮК УЛУҒБЕК ВОРИСЛАРИМИЗ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов беназир олим ва давлат арбоби, буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тантаналарида қатнашиш учун замин сайқали Самарқандга ташриф буюрди.

Муқаддас тупроқдаги тадбирлар улуғ мунажжим барпо этган расадхонани кўздан кечириш билан бошланди. Бобокалонимиз қутлуғ тўйи арафасида бу қадамжо янада обод қилинди ва таъмирланди. Ислом Каримов расадхона ва унинг қошида ташкил этилган музейга ташриф буюрди. Халқимиз донғини жаҳонга танитган Мирзо Улуғбек мактаби ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишар экан, уни янада бойитиш хусусида қимматли таклифлар билдирди.

Президент Ислом Каримов расадхона ёнидаги Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Албатта, миллатимиз фахри — Улуғбекнинг камолини буюк соҳибқирон Амир Темур яратган улкан маданий ва ижодий муҳитсиз тасаввур этиш мушкул. Президентимиз Ислом Каримов шу боис улуғ Амир Темур Кўрагон зиёратгоҳига йўл олди.. Ўзбекистон Президенти ушбу муқаддас қадамжони зиёрат қилар экан, уни янада обод этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Мирзо Улуғбек донишманд султон сифатида халқ учун фойдали бўлган кўп хайрли ишларнинг бошида турган. Унинг қутлуғ юбилейи тантаналари ҳам хайрли тадбирларга уланиб кетди. Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги "Ориён уни Трейдинг" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг "Супер ориён" савдо дўкони очилишида иштирок этди. Германиянинг "Курт Шумахер" фирмаси вакили М. Дик ва "Ориён" ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбари Ф. Зиёев билан суҳбатлашар экан, қўшма корхонанинг режалари, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси билан қизиқди.

Шу куннинг асосий воқеалари Самарқанднинг бош майдони Регистонда содир бўлди. Аллома юбилейига бағишлаб байрамона тус олган бу қадим зиёратгоҳда вилоят ҳунармандлари яратган турли маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилган эди. Ислом Каримов ушбу кўргазмани кўздан кечирди.

Шундан сўнг Регистон майдонида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди тантаналарининг якуний тадбири бўлиб ўтди. Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов байрам йиғинини очар экан, 20 мингдан зиёд самарқандликлар ва 20 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, жумладан, БМТ ва ЮНЕСКО вакиллари тантаналар гувоҳи бўлиб турганини қайд этди. Бу жаҳон маданияти хазинасини тафаккур ганжиналари билан бойитган улуғ олимга эҳтиром рамзи эканини таъкидлади.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мирзо Улуғбекнинг олим ва давлат арбоби сифатида амалга оширган ибратли ишлари, бой мероси хусусида сўзлади. Биз ўзбекистонликларгина эмас, Марказий Осиё минтақасида яшовчи қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва тожиклар ҳам бу буюк меросниг ворислари эканини таъкидлади.

Кекса отахон Аҳрорқул Баратов аллома ҳақида, истиқлолга эришган Ўзбекистонда буюк боболаримиз меросига катта эътибор берилаётгани хусусида сўзлади.

Қуёш уфққа бош қўйиб, самода юлдузлар балқий бошлаган лаҳзаларда Регистон майдонида Мирзо Улуғбекка бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланди. Бу ўзига хос томошада Мирзо Улуғбек ҳаёти, унинг даври орқали халқимизнинг буюклиги, бағри кенглиги ва заковати намоён этилди. Бадиий жиҳатдан юксак савияда уюштирилган томошаларни минг-минглаб самарқандликлар, хорижлик олимлар, БМТ, ЮНЕСКО каби мўътабар ташкилотлар вакиллари қизиқиш билан томоша қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов театрлаштирилган томошалар якунлангач, янги таъмирдан чиққан Мирзо Улуғбек мадрасасини ҳамда бу ерда ташкил этилган кўргазмани бориб кўрди. Президентимиз ана шу ерда илк бор Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини алоҳида рухсатсиз ташриф буюриш мумкин бўлган очиқ шаҳарларга айлантириш таклифини билдирди.

Сўнгра юбилей тантаналарида иштирок этаётган меҳмонлар учун қабул маросими уюштирилди.

Юбилей тантаналарида республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Б. Бугров, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирликлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

Амирқул КАРИМ,
(ЎзА).

Суратда: Улуғбек ҳайкали пойига гулчамбар қўйилаётган пайт.

Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.

Республика Вазирлар Маҳкамасида

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида республика истеъмол бозорини моллар билан тўлдириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда ҳукумат комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, вазирликлар ва идораларнинг, уюшмалар, корпорациялар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Истеъмол бозорини тўлдириш ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан илгари белгиланган тадбирлар дастури шу йилнинг учинчи чорагида қандай бажарилгани кўриб чиқилди. Уз вақтида чора кўрилмагани оқибатида топшириқнинг кўпгина жиҳатлари бажарилмай қолгани, натижада аҳоли анчагина миқдордаги энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур молларни кам олганини комиссия таъкидлади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг раҳбарлари аҳолини зарур моллар билан таъминлаш масаласига боқимандалик билан муносабатда бўлганига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақил равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий моллар сотиб олиш учун катта имконият бўлгани ҳолда жойларда маҳсулот харид қилишнинг бу манбааларидан яхши фойдаланмай, ҳамма юмушларни аввалгидек фақат давлат ташкилотлари зиммасига юклаб қўйишмоқда.

Мажлисда аниқланган камчиликларни дарҳол тугатиш, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур истеъмол моллари билан етарли миқдорда таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди, қиш-баҳор даврига картошка, сабзавот, мевани етарли миқдорда тайёрлаш ва сақлашни ташкил этиш, бошқа етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш зарурлиги кўрсатилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, Ў. Султонов сўзга чиқдилар.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Шарифхўжаев иштирок этдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам дўстлар! Ватандошлар!

Бугун биз буюк аждодларимиздан бири, дунёга машҳур аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш учун қадимий ва навқирон, гўзал шаҳри азим — Самарқандга йиғилдик.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда инсоният тараққиёти тасдиқлаган бир ҳақиқатни яна бир бор эслатмоқчиман: тарихи бўлмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Неча асрлар, неча минг йилларни қамраб олган улуғ тарихимизнинг инсоният ривожида катта из қолдирган бир қисми Мирзо Улуғбек фаолиятида мужассам бўлган.

Бугун насл-насабимизни эслаш ва тиклаш замони келган бир даврда, келажагимизни қураётган бир вақтда катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин: бизларнинг томирларимизда Улуғбек қони бор, юрагимизда Улуғбек руҳи барқарордир.

Бугун бизнинг мамлакатимизни, бизнинг салоҳиятимизни тан олаётган давлатлар ва халқлар бир нарсани яхши англамоқда: Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир.

Бугун Улуғбекни эсламоқ — асрлар тарихий адолатини ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламоқ, кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқдир. Ва бизнинг миллий-маънавий илдизларимизнинг нақадар теран ва нақадар бақувват эканлигини исботламоқдир.

Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу-машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекдай беназир алломанинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди.

Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди.

Чексиз ақл-идроки, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбек, аввало, илмий фаразлар билан эмас, балки соф амалий услубда ижод қилди. Минглаб юлдузларни жамлаган мукаммал харита ва бугунги энг замонавий ҳисоблардан деярли фарқ этмайдиган мукаммал астрономик жадвалини яратди.

Унинг ҳаёти ва ижоди ўзбек халқи маънавияти пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, халқимизнинг ўрта асрларда фундаментал фанга нечоғлик буюк аҳамият берганини кўрсатади.

"Зижи жадиди кўрагоний" деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалгани бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мирзо Улуғбек ўз умрини келажак учун, бугунги ҳаёт учун фидо этди. Ўша узоқ замонларда башарият тараққиётини ўйлаб яшади, ўз авлодлари асрлар оша тартиб этажак маърифатли бир жамиятни орзу қилди.

Ҳар қандай миллат ҳам Улуғбекдай фарзандни тарбия этгани учун ғурурланиши табиий ҳолдир. Чунки бундай инсонлар фақат ўз халқига эмас, балки умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилади ва жаҳоннинг эътиборини қозонади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугун тафаккуримизда, ҳаётимиз ва тақдиримизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни Улуғбек сингари аждодларимиз руҳига таяниб амалга оширмоқдамиз.

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоваддин Нақшабанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун узоқ давом этган ғафлат уйқусидан уйғондик. Тарихимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни танидик ва тиклай бошладик.

Улуғбекнинг муборак қадами теккан заминда янги ва эркин жамият барпо этиш вазифаси сизу бизга насиб этди.

Буюк давлат қуришни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, маҳаллалар, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг муборак исми бериляпти деб айтсак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси — миллатимизнинг буюк алломага бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтиромидан дарак беради.

Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида нишонлачаётгани биз учун ғоят қувончлидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улуғбекка ва уни вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмати деб биламиз.

Сўзимни якунлар эканман, узоқ-яқиндан келган сиз, азиз меҳмонларга ва шу қутлуғ анжуманнинг барча иштирокчиларига биз билан бирғаликда Мирзо Улуғбек руҳини шод этганингиз учун чин қалбимдан ташаккурлар билдирмоқчиман.

Улуғбек қунларида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган азиз дўстларимизга алоҳида миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Мана шу кўпни кўрган, ҳаммамиз учун муқаддас майдонда туриб:

— Шу кунларга етказгани учун, юртимизнинг тинч ва осуда, озод ва обод бўлиб яшаётгани учун тангримизга шукроналар айтамиз:

— Шу заминнинг ва шу заминда яшаётган халқимизнинг умри ва бахту саодати боқий бўлсин!

— Юртимизни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!

— Ер юзининг сайқали аталмиш жаннатмонанд Самарқанд шуҳрати бундан ҳам зиёда бўлсин!

— Мирзо Улуғбекнинг тафаккур юлдузи бундан буён ҳам бошимиз узра ёрқин порлаб тураверсин!

— Меҳнаткаш ва пок ниятли халқимиз муродмақсадига етсин!

ТОШКЕНТ СПОРТЧИЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

17 октябрь куни XII Осиё ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спортчилари Японияннинг Хиросима шаҳридан Ватанимизга қайтиб келди. Ана шу муносабат билан Тошкент аэропортида тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси, спорт делегацияси раҳбари А. Азизхўжаев Хиросимада қилпираган Ўзбекистон байроғини Бош вазир А. Муталовга топшириб, спортчиларимизнинг эришган катта ғалабалари ҳақида гапирди.

Маросимда сўзга чиққан Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев ва бошқалар спортчиларни табриклаб, Ўзбекистон спортчилари нуфузли халқаро мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганларини, айниқса, футболчиларимизнинг Осиё ўйинлари чемпиони унвонини қўлга киритиши ажойиб воқеа бўлганини таъкидладилар.

Шаҳар жамоатчилиги вакиллари, ёшлар, спорт мухлислари Осиё ўйинларида қатнашчиларнинг карнай-сурнай садолари остида шоду хуррамлик билан кутиб олдилар, уларга гуллар тақдим этдилар.

Кутиб олиш маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

САРҲИСОБ

Халқимиз кўп шукуҳли кунларнинг гувоҳи бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги тантаналари ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Мамлакатимизда туб иқтисодий ва иҳтимоий ўзгаришлар барча жабҳаларда намоён бўлаётир. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиляпти. Кўппартиялиликка кенг йўл очилгани ҳам бунинг ҳаётдаги инъикосидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганига ҳам уч йил тўляпти. Шу боис партиянинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир ташкилоти босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиб, навбатдаги режаларни белгиламоқда. Охунбобоев туман партия кенгаши ҳам бу санани муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўряпти. Ўтган йиллар биз учун чинакамига шаклланиш ва мустаҳкамланиш йиллари бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низоми талаблари ва дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда сезиларли ишларни амалга оширдик. Бугунги кунда туман кенгаши таркибида 45 та бошланғич ташкилот бор. Уларнинг атрофига 1392 нафар партия аъзоси бирлашган. Мамлакатимиздаги кўтаринкилик руҳи партия сафининг ортишида ҳам намоён бўлаётир. Шу йил сентябрь ойининг ўзида 34 киши партия сафига қабул қилинди. Улар орасида фермерлар, қўшма ва кичик корхоналар ишчилари, зиёлилар вакиллари борлиги партиямизнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланиб бораётганидан далолат.

Партия аъзоларининг саъй-ҳаракати ислоҳотларни амалга ошириш, ишчи ўринлари барпо этиш, истеъмол бозорини бойитишда ўз аксини топмоқда. Масалан, Мўътабар Маҳмудова "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳудудидан 26 гектар ер олиб, фермерлик ҳаракатини бошлаган эди. Бу тадбиркор аёл бажарган кенг кўламли ишлари билан республикада танилди. Шу ерда ташкил этилган тикувчилик цехида аҳоли учун зарур бўлган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Шунингдек, у кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатишни ҳам унутаётгани йўқ. "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг болалар боғчаси тарбияланувчиларига сут маҳсулотларини бепул етказиб бераётир. Хитойликлар билан қўшма корхона ташкил этиш ташаббускорлари ҳам партиямиз аъзолари, истиқлолимиз фидойиларидир. Туман партия кенгаши турли ёшдаги кишилар, барча аҳоли билан мустаҳкам алоқа боғламоқда. Бевосита турар жойларда тузилган ҳудудий партия ташкилотлари одамлар турмуш тарзи, яшаш шароити, машғулотлари билан яхши таниш бўлади, улар фаолиятини маълум соҳага йўналтиришда самарали усулларни қўлланиш имкониятига эга.

Қумтепа оқсоқоллар йиғини ҳудудидаги партия фаолларининг хоҳиш-иродаси билан қишлоқ маданият маркази ташкил этилди. Ҳудудий партия ташкилоти бу ишнинг бошида турди. Натижада ушбу маскан қишлоқнинг асосий маданий-маърифий ўчоғига айланди. Ҳозир миллий қадриятларимизга асосланган катта байрамлардан тортиб, йигит-қизларнинг никоҳ кечаларигача шу марказда ўтказилаётир. Маданият маркази фаолиятининг ижобий самараси бу ишни туманнинг бошқа жойларида ҳам ташкил этиш, уни ривожлантириб, такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ижроия бюроси бу ишни ўз зиммасига олиб, маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда.

Партия ташкилотлари ҳамда уларнинг етакчилари учун қўйиб-пишиб ишлайдиган давр бошланди. Олий Мажлисга ва вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик бошланиб кетди. Биз дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб сайловларда ўз номзодларимизнинг ёқланиши учун ташкилотчилик ишларини кучайтирмоғимиз керак. Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг йиғилишида бу борадаги режаларимизни фикрлашиб, аниқ мақсадга қаратилган сайловолди ҳаракат йўналишимизни белгилаб олдик.

Туман партия кенгаши олдида турган бошқа долзарб вазифалар ҳам талайгина. Ҳозир қишлоқ хўжалигида асосий мавсум — пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Партия аъзолари бу муҳим ишда ҳам ташаббусни қўлдан бераётганлари йўқ. Йиғим-теримда илғорлик қилаётганлар ҳам, Президент Фармонларининг бажарилиши учун елиб-югураётганлар ҳам партиямиз аъзолари.

Юртбошимизнинг кўп болали оилаларга ғамхўрлик қилиш, аҳолига компенсация тўловлари жорий этиш, кам таъминланган оилаларни иҳтимоий ҳимоялашни ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисидаги Фармонларининг жойларда тўла бажарилишига эришиш ҳам партия ташкилотларимизнинг доимий диққат-эътибордадир.

Олдимизда масъулиятли вазифалар турганини ҳар бир партия аъзоси чуқур ҳис этади. Биз Ўзбекистон ХДПнинг уч йиллигини ва навбатдан ташқари II қурултойини рисоладагидек кутиб олишимизга аминмиз.

Г. ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон ХДП Охунбобоев туман кенгашининг биринчи котиби.

"Овози тожик" рўзномаси — 70 ёшда

Суратда: рўзнома янги сони муҳокама этиляпти.

ЖЎРОВОЗ ЖАРЧИНОМА

Тожиклар ва ўзбеклар азалдан қон-қариндош, жон қўшни. Уларни шоирлар бир китобнинг икки саҳифаси деб бежиз қуйлашмайди. Битта нонни бирга баҳам кўриш қўшниларга хос одат. Бунга "Овози тожик" рўзномасининг 70 йиллик тахламлари ҳам гувоҳ. Рўзнома саҳифаларини варақласак, ҳар иккала давлатнинг маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлида жонбозлик кўрсатгани ва бу алоқаларни муттасил юқори поғонага кўтаришга ҳаракат қилинганлигининг шоҳиди бўламиз. Шу маънода "Овози тожик" рўзномасини тожик ва ўзбек халқлари дўстлиги ва биродарлигининг жўровоз жарчиси десак асло муболаға бўлмайди.

Ана шу ён қўшни-жон қўшни рўзноманинг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Шавкат НИЁЗОВ махсус мухбиримизни қизиқтирган саволларига бажонидил жавоб берди:

— Ассалому алайкум, Шавкат ака, тўйлар муборак. Ўттиз йилдан бери сиз шу рўзномага бош муҳаррирлик қилиб келяпсиз. Журналистик ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини татиган, мамлакатимизнинг етук, обрўли журналистларидан бирисиз. Келинг, рўзноманинг қутлуг тўйи арафасида шу рўзномага меҳнати сингган, иқтидорли марҳум журналистлар руҳини ёдга олсак.

— Муҳаммаджон Мухторов (Васфий домла), Қамариддин Шамсиев, Ҳомиджон Қиличев, Раҳматжон Норов, Жонибек Қувноқов, Аҳмаджон Изомов, Турсунбой Райимжонов бандаликни бажо келтирган бўлсалар ҳам уларнинг руҳлари ҳамиша тирик. Биз билан бирга. Улар ёзиб қолдирган асарлар рўзномамизнинг минг-минглаб ўқувчиларига, муштарийларига маълум ва машҳур. Улар рўзноманинг жавоҳирлар сандиғида мангу сақланади.

— Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда рўзноманинг тақдири қандай кечяпти?

— Рўзномамиз республика Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Кенгашининг газетаси. Ҳукуматимиз ёрдам беряпти. Ходимларнинг маоши, қалам ҳақи анча ошди. Қоғоз масаласи йил охиригача таъминланган.

Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. Ҳукуматимиз рўзноманинг 70 йиллик юбилейига анча маблағ ажратди. Ижодий ходимларимизнинг шарт-шароитлари яхшиланди. Тижорат ва эълонларга рўзнома саҳифаларида кенг йўл очиб қўйганмиз.

— Шавкат ака, тожик ва ўзбек адиблари, шоирлари азалдан бир-бирлари билан борди-келди қиладилар. Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё опаларни эслаш кифоя. Айтингчи, рўзномада шу анъана бугун қандай ўз аксини топяпти?

— Айни дилдаги саволни бердингиз. Тожик миллий маданиятининг буюк арбоблари Садриддин Айний. Отажон Пайрав Сулаймоний, Абдусалом Деҳотий ва бошқа истеъдодли адиб, шоирлар рўзномамизнинг бешигини тебратганлар. Ўзингизга маълум, рўзномамизнинг 1-сони 1924 йил 25 августда "Овози тожики камбағал" номи билан нашр этилган. Кейин "Овози тожик" номини олган. Сўнгра "Ўзбекистони сурх", кейинчалик "Ҳақиқати Ўзбекистон" номи билан чиқди. Мустақиллик шарофати билан у яна ўзининг дастлабки тарихий номини олди.

Ижодий анъаналарга келганда шуни айтмоқчиманки, ўзбек ва тожик халқларининг абадий бузилмас дўстлигини таннум қилиш ижодий жамоамизнинг муқаддас ва шарафли бурчи. Рўзномамиз шу буюк дўстлик ва биродарликнинг ҳақиқий жарчиси эканлигини амалда исботламоқда.

Бунга рўзнома саҳифалари гувоҳ. Халқларимизнинг буюк алломалари Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар дўстлиги ўзбек ва тожик биродарлигининг тамал тошидир, десам хато бўлмас. Бу дўстликни Ғафур Ғулом, Мирзо Турсунзода, Зулфия, Жалол Икромий, Мирсаид Миршакар, Абдулла Қаҳҳор, Сотим Улуғзода, Боқи Раҳимзода, Чустий, Жонибек Қувноқов, Назармат ва Нормурод Нарзуллаев сингари кўпгина ёзувчи, шоирларимиз давом эттирдилар ва бу дўстлик-биродарлик ҳозир ҳам кўп ишларга намуна бўлиб қоляпти. Сўнгги пайтда рўзномамиз саҳифаларида Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Кибриё Қаҳҳорова, Нормурод Нарзуллаев ва бошқаларнинг асарлари чоп этилди. Кибриё Қаҳҳорованинг турмуш ўртоғи Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотиралари босилиб чиқди.

— Ижодий жамоа ҳозирги ўй-орзуларини, рўзноманинг 70 йиллик анъаналарига содиқликларини қаламда қандай ифода этишяпти?

— Ҳозир ижодий ходимларимиздан уч нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. Улар — Тоҳир Олимбоев, Муайяна Хўжаева, Маъруф Отахонов. Эҳсон Турдиқулов — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. Кўряпсизки, ҳукуматимиз жамоамиз аъзоларининг ижодий фаолиятини муносиб тақдирламоқда. Биз бундан миннатдормиз. Ҳозирги пайтда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан бошқа ҳамма вилоятларда ўз мухбирларимиз ишлаб турибди. Рўзноманинг шу кунлардаги жўшқин фаолиятида Тўхтамиш Тўхтаев (Паймон), Тожибой Икромов, Бекназар Тўйназаров, Абдулло Субҳон, Матлуба Шоалиева, Шерпўлод Вакилов, Пўлоджон Қаҳҳоров, Каримжон Муҳиддинов, Неъмат Эшқувватов, Юсуфали Мирзаев, Нурали Ражаб каби етук журналистлар жон куйдириб ишламоқдалар. Ёш ижодкорлар сафи кенгайиб боряпти. Фурқат Қувноқов, Фахриддин Қамаров, Диловар Бозоровнинг мақола ва лавҳалари муштарийларимизга манзур.

Хулоса қилиб айтганда, бир ариқдан сув ичиб, бир дастурхон атрофида гурунглашадиган, тўйларимизда тожик ва ўзбек қўшиқлари баробар янграйдиган, тожик билан ўзбекни бир-биридан мутлақо ажратиб бўлмайдиган анъаналаримизнинг умри боқий бўлаверсин, ҳамиша бир-биримизга шу ғамхўр-меҳрибонлигимиз тилларда достон бўлаверсин.

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош Ҳамид ИКРОМОВ,
"Ўзбекистон овози" махсус мухбири.

ЭЛГА ҒАМХЎР...

Сиёб туманидаги Халифа Иброҳим маҳалласи хотин-қизларининг "Руҳшона" клуби навбатдаги машғулотни Ўзбекистон ХДПнинг уч йиллигига бағишлади. Туман маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Саъдулла Шарипов Халқ демократик партиясининг аҳоли иҳтимоий ҳимоясини таъминлашдаги ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, фидойилиги хусусида маъруза қилди.

Туман иҳтимоий таъминот бўлими ходимлари тўпланганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтаришди.

Худди шундай анжуман Темирйўл туманидаги Ғафур Ғулом маҳалласида ҳам ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари аҳоли билан учрашдилар. Тўпланганлар партия обрўсини янада ошириш, унинг сафини мустаҳкамлаш юзасидан фикр мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашувларда Самарқанд шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Аъзам Салоҳиддинов янги партия аъзоларига партия билетларини топширди.

Фармон ТОШЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ХДП: бошланғич ташкилотларда нима гап?

КОТИБНИНГ БЕОРОМ КУНЛАРИ

Яккабоғ туман партия кенгаши бюро йиғилишига "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Зокир Сатторовнинг хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботи қўйилган экан. Йиғилишдан сўнг котиб билан амалий ишларни кўриш учун хўжаликка йўл олдик.

Ҳозирги кунда хўжаликда 105 нафар партия аъзоси бор. Уларнинг барчаси жамоа хўжалиги фаоллари бўлиб, ўз ҳаётини партия дастури билан чамбарчас боғлаган. Котиб эса иқтисодий ислоҳотларнинг дадил ва ишончли тарафдори. Миллий истиқлол мафкурасининг тарғиботчиси.

— Ўтган йили 92 киши "Ўзбекистон овози"га обуна бўлган. Бу йил партия аъзолари юз фоиз обуна бўладиган бўлди. Муҳими, маънавият, — дейди Зокиржон. — Аввало, одамларда маънавиятни, руҳий оламини бойитиш, фаровон келажакка ишонч, яратувчиликка муҳаббатни уйғотишимиз керак. Бизда шундай кишилар борки, улар қилаётган ишларни кўриб беихтиёр улар сафида бўлганингдан қувониб кетасан.

Хўжаликда Ботир Жўраевни ҳамма яхши билади. У аломат одам. Ўзи оддий механик. Унинг тегирмон, мойжувози бир катта қишлоққа хизмат қиляпти. Қишлоқни газлаштиришга бел боғлаган. Хуллас, тиниб-тинчимас.

Хўжаликда Ботирга ўхшаган ишбилармон, тадбиркорлар кўп. Масалан, Баҳодир Сафаровнинг "Импульс" деб аталган кичик корхонаси. Унда чиқинди мармардан бежирим, ялтироқ шамдонлар, кулдонлар, эшик тутқичлари, вазалар, урчиқбошлар, стол чирокдонлари ишлаб чиқарилади. Улар ғоят нозик дид билан ясалгани учун ҳам Ўзбекистондагина эмас, Ҳамдўстликдаги мамлакатлардан ҳам талаб катта бўляпти.

"Нормурод олим" кичик корхонаси эса оёқ кийимлари чиқаради. Кичик корхона ва цехлар кўмагида партия ташкилоти кам таъминланган оилаларни иҳтимоий ҳимоялашга эришяпти. Бу билан у халқ орасига яна ҳам кириб бориб, обрўси ошяпти. Котибнинг беором кунлари кўпроқ одамлар орасида кечади.

Ғози РАҲМОН,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЯНА 50 НАФАР АЪЗО

Ўзбекистон ХДП фаолиятидан халқимиз қониқяпти. Буни партия сафига кўплаб одамлар кираётганлиги ҳам исботлайди. Партиямиз ташкил топган куннинг уч йиллиги арафасида Учкўприкдаги ип-йигирув фабрикаси ишчи-хизматчиларидан 50 киши партияга ўтиш истагини билдиришди.

Фабрика бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қатнашган туман ҳокими А. Йўлбарсов партиянинг янги аъзоларини чин дилдан табриклаб, меҳнатда ва иҳтимоий ҳаётда ўрнак бўлишларига ишонч билдирди.

Ўзбекистон ХДП Учкўприк кенгаши котиби Б. Ҳамроқулов партиямиз уч йил ичида босиб ўтган мазмунли йўл ҳақида маъруза қилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ҲАМФИКРЛАР ҲАМКОР БЎЛАДИ

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашида жамоат ташкилотлари, маҳаллий идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси яқинда қабул қилган "Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика жамоа ташкилотлари билан сайловолди ҳамкорлиги тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш юзасидан фикр алмашув бўлди.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Қ. Сапоев, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Г. Искандаров, фахрийлар ташкилоти уюшмаси раиси О. Худойберганова, вилоят "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси раҳбари М. Асқарова, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Абдуллаева ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби Б. Бобожонов Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг мазкур қарорини якдиллик билан маъқуллаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, улар мамлакатимиз Президенти, ЎзХДП Раиси И. А. Каримов бошчилигида ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, унинг ислоҳотлар йўлини, партиямизнинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойи қабул қилажак сайловолди сиёсий дастурини аҳолига ҳар томонлама тушунтиришда, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ХДПдан депутатликка номзодларнинг сайланишини таъминлашда партиямиз билан ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Курбон МУҲАММАДРИЗО,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ — Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

•Бунёдкорлик

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

•БУХОРО /мухбиримиздан/. Вобкент туманидаги мактаблар сони яна биттага кўпайди.

46-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари Хайрулла Камолов номли жамоа хўжалиғида янги мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширдилар. 422 болага мўлжалланган мактаб замонавий ўқув анжомлари билан таъминланган. Ўқувчилар қурувчиларнинг бу инъомидан беҳад қувонмоқдалар.

•Тадбиркорлик

ОЙИГА МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

•БУХОРО (мухбиримиздан). Шаҳардаги қорақўлчилик заводида пўстин ва нимчалар тикиш цехини фойдаланишга топшириш учун бор-йўғи 5 минг сўм пул сарфланди.

Дастгоҳлар Англия, Голландия ва Россия фирмаларидан олинди. 80 киши меҳнат қилаётган цехда ойига миллион сўм даромад қилинмоқда. Цех маҳсулоти қишлов арафасида турган чўпончўлиқлар учун асқотиши табиий.

Даврон БАҲРОНОВ.

•"Маҳалла" жамғармаси

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТАДБИРЛАРИ

•ТОШКЕНТ /жамоатчи мухбиримиздан/. "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси республика бошқаруви Раёсатининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда жамғарманинг Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда пойтахт туманлари бўлинмалари раҳбарлари, Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бош маҳкамасининг вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни жамғарма раиси Ш.Темуров бошқарди. Тўпланганлар "Кам таъминланган оилаларни иҳтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги фармоннинг ижросига бағишланган масалаларни муҳокама қилишди. Бугунги кунда республика бўйича 545264 эҳтиёжманд оилани иҳтимоий ҳимоялаш ва моддий ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланди. Раёсат аҳли жамғарманинг Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари фаолиятини ривожлантириш хусусида фикр билдирди. Хусусан, Бухоро вилоятининг айрим туманларида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга оид махсус ҳисоб рақамлари очишда сусткашлик борлиги кўрсатиб ўтилди. Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Махфуза ЗАЙНИДДИНОВА.

ҒАЛАБА МУБОРАК!

Шўрчи туманидаги Алихон Сафаров номли жамоа хўжалиги аъзолари давлатга 1683 тонна пахта сотиб, йиллик режани бажардилар. Пахтакорлар номига табрикларнинг узлуксиз ёғилиб тургани сабаби шуки, бу ерда ҳосилдорлик 32 центнерга етказилди. Тўртта бригада жамоаси 40 центнерлик маррани эгаллади. Ҳосилнинг яхшилигиданми, Бердиева Мингсора, Шерхонова Сайёра, Эшқулова Раъно каби теримчиларнинг сентябрь ойидаги иш ҳаки 2 минг сўмдан зиёд бўлди.

Хўжаликдаги яна бир нарса ибратли. Барча деҳқончилик турлари бўйича йил бошида кўзланган мўлжал амалга ошди. 100 гектар майдонга эса ғалла экиб қўйилди.

Шўрчининг "Ободон" жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам ғалаба муборак, деган табрик сўзларини қабул қила бошладилар.

Олимжон УСАНОВ,
"Ўзбекистон овози мухбири.

„Оқ олтин" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
Қашқадарё	1,50	95,02	0,76	63,81
Хоразм	1,06	94,66	0,14	7,35
Бухоро	0,60	94,19	0,01	3,70
Андижон	1,52	87,82	0,44	20,77
Навоий	0,71	87,54	0,45	26,15
Фарғона	1,24	84,76	0,09	14,67
Самарқанд	0,91	83,96	0,23	25,50
Наманган	1,60	82,51	0,74	34,97
Сурхондарё	1,19	79,70	0,33	30,68
Тошкент	1,50	73,13	1,01	50,50
Қорақалпоғистон Республикаси	1,25	64,39	0,53	19,94
Жиззах	1,37	63,53	0,98	47,91
Сирдарё	1,65	59,40	1,50	46,32
Республика бўйича	**1,26**	**80,86**	**0,64**	**33,71**

ҲАМ ДОН, ҲАМ ПАХТА

Оқолтин туманидаги А. Тоиров номли ширкатлар уюшмасининг Абдураҳим Алиқулов раислик қилаётган 1-ширкат азаматлари пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам яхши ютуқларга эришяпти. Бу йил 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 ўрнига 34 центнердан сара дон йиғиштириб олингач 70 гектар ерга кузги дон экилди.

Азаматлар "оқ олтин"ни тез ва соз йиғиштириб олишда ҳам жонбозлик қилишмоқда. 270 гектар ердан эл хирмонига 520 тонна пахта тўкиб, вилоятда биринчи бўлиб режаларини бажаришди.

— Ширкатнинг катта хирмонига Акрам Эркабоев, Азим Ҳошимов, Дилбар Таниқулова, Содиқ Эркабоев, Абдурашид Алиқулов бошлиқ ижарачи звеноларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Ҳали далада ҳосил мўл. нинг сўнгги мисқолигача қисқа вақтда саранжомлаб олиш учун теримни давом эттиряпмиз, — дейди биз билан суҳбатда ширкат раиси Абдураҳим Алиқулов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



Суратда: (чапдан) ширкат раиси А. Алиқулов ва илғор звено бошлиғи С. Эркабоев.

Муаллиф олган сурат.

Ўзбекистон — Япония:

ДЎСТЛАРИМИЗ ЁРДАМ БЕРАДИ

Яқинда газетамизда хабар берилганидек, ўтган ойнинг охирларида Тошкентда ички "Евросиё Экофорести" халқаро ташкилотининг биринчи конференцияси бўлиб ўтганди. Унда табиати бир-бирига ўхшаш Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудида экологик ҳолатни яхшилаш, катта майдонларда ўрмонзорлар барпо этиш, "Буюк ипак йўли"ни яшил ипак йўлига айлантириш масаласи атрофлича муҳокама этилди.

Маълумки бундай катта хажмдаги ишларни адо этиш учун анчагина пул маблағи талаб этилади. Бунда бизга япониялик дўстларимиз бегараз ёрдам беришга қарор қилишди. Улар шу мақсадда Марказий Осиёни кўкаламзорлаштиришга кўмаклашувчи Япония қўмитасини туздилар. Унинг фаол ташкилотчиси Норихико Икеданинг айтишича, Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда ўрмонзорлар барпо этишга қўмита катта маблағ ажратган, шунингдек давлат томонидан ҳам маблағ ажратишни таъминлаш чораларини кўрмоқда.

Жаноб Норихико Икеда кеча редакциямизда бўлиб, бош муҳаррир Азим Суюн билан учрашди. Учрашув чоғида у газетанинг атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор бераётгани, Ўзбекистоннинг бой табиати, унумдор ерлари борлиги, агар ҳамкорликда иш олиб борилса, ўлкани қисқа муддатда боғ-роғларга бурканган яшил масканга айлантириш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Каримжон РИХСИЕВ.

1

ҚОРАХОНИЙЛАР

(ўн иккинчи мақола)

• *Боқий шажара*

Марказий Осиё сиёсий муносабатлари тарихида манзарасининг хилма-хиллиги нуқтаи назаридан X – XI асрлар алоҳида ўрин тутади. Зеро бу асрларда деярли бир вақтнинг ўзида минтақада бир неча қудратли сиёсий сулолалар (Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар) фаолият кўрсатишларига ва табиий равишда ўзаро рақобатда бўлишларига тўғри келган. Сомонийларнинг куч-қудрат ва шон-шуҳратга тўлган даврлари илгарироқ бошланиб, у қандай кечганини биз кўриб ўтдик. Улар айтиб ўтилганидек, минтақадаги бошқа бир сиёсий куч Қорахонийлар таъсирига дош беролмай четга чиқиб кетишларига тўғри келган. "Совет" тарихшунослигида ягона тарихий-маданий маконнинг сиёсий "фарзандлари" Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасида кечган табиий равишдаги рақобатни Моваро уннаҳр ва турклар аро зиддият, туркларнинг Моваро уннаҳрга "бостириб кириши" тарзида кўрсатиш ҳоллари ҳам учраб турган. Бунинг сабаби тўғридан-тўғри "қизил" салтанатпарастлик мафкураси мақсадлари билан боғлиқ бўлиб, "совет" даврида минтақада ўтказилган "маъмурий бўлиниш"ни (аслида эса парчалашни) тарихан исботлашга уриниш ва омма онгига сингдириш эди, холос.

Аслида эса илгарилари ҳам кўп марта бўлганидек, X аср иккинчи ярмига келиб Марказий Осиёнинг Еттисув қисмида сиёсий муносабатлар юксалиши асосида (албатта бунда иқтисодий ва бошқа омилларнинг ҳам ўрни борлиги шубҳасиз) кенгроқ миқёсда ҳам сиёсий фаолият кўрсатиш имкони ва қудратига эга бўлган янги сиёсий куч майдонга чиқади. Биз уларни Қорахонийлар номи остида биламиз. Шу ўринда Қорахонийлар сулоласининг келиб чиқиши масаласига доир савол туғилади.

Илмий доираларда мазкур масалага ҳалигача узил-кесил нуқта қўйилганича йўқ десак тўғри бўлади. Қорахонийлар минтақамизнинг Еттисув, Марказий Тангритоғ ҳудудида қадимдан яшаб келаётган туркий халқлар, қавмларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муносабатлари муҳитида шаклланганлигини аниқ билган ҳолда, мазкур сулола тўғридан-тўғри қайси бир қавм ё халққа тегишли экани масаласи баҳсталаб бўлиб келмоқда. Бу фан учун табиий ҳол. Биз учун эса асосий вазифа минтақа давлатчилик тарихида Қорахонийлар сулоласи тутган ўринни кўрсатиб беришдир.

Икки оғиз сўз "Қорахон" атамаси тўғрисида. Бу ерда "хон" маълум тушунча, яъни "ҳукмдор". "Қора"нинг эса бир неча маънода қўлланилишини таъкидлаган ҳолда, биз кўраётган мисолда "буюк", "улуғ" тушунчасини беради, десак хато бўлмайди, яъни "Буюк хон", "Улуғ хон".

Шундай қилиб, X аср иккинчи ярми давомидаги саъй-ҳаракатлар натижасида Қорахонийлар шарқий йўналишда Балхаш кўли – Черчен дарёсигача (Шарқий Туркистон) бўлган ерларни ўз ҳукмларига бўйсундиришга муваффақ бўлиб, ғарбий йўналишда эса Исфижоб, Ўзганд, Мурғоб дарёси қуйи дарёси оқимларигача бўлган ҳудудларни ўз таъсир доираларига оладилар. Ўз сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб бораётган Қорахонийлар учун энди янада ғарбга силжиб Самарқанд, Бухоро вилоятларини ҳам бўйсундиришга ҳаракат қилиш табиий эди. Зеро, минтақадаги уларнинг шу вақтдаги асосий сиёсий рақиблари – Сомонийлар сиёсий маркази худди шу маконда жойлашганди. Биринчи уриниш 992-йили рўй беради. Шу йили Қорахоний Буғрохон Сомоний Нуҳ ибн Мансур (976 – 997) билан жангда ғолиб келиб Бухорони, яъни Сомонийлар сиёсий марказини ишғол қилишга муваффақ бўлади. Аммо бу ютуқ вақтинчалик бўлиб тез орада Буғрохон орқага қайтиб кетишга мажбур бўлади. Фақат 999 йилга келибгина Қорахонийлар яна бир бор Бухорони забт этишга муваффақ бўладилар. Манбаларда ёзилишича бу галги уринишда деярли қийинчилик бўлмаган. Оддий халқ учун эса Қорахонийларнинг Бухорони эгаллашлари бир сулола ўрнига иккинчи бир сулола келиши қабилида қабул этилган. Гарчи Ўрта аср тарихчилари бунинг сабабини ҳар икки сулоланинг бир динга тааллуқли эканлиги орқали тушунтирсаларда, буни инкор этмаган ҳолда Марказий Осиёнинг Бухоро, Самарқанд каби маконлари учун Еттисув, Шарқий Туркистон ҳудудлари ҳам тарихий-маданий бирлик, ҳам келиб чиқиш жиҳатларидан бегона бўлмаганликлари бош сабаблардан бўлган деб ҳисобласак тўғри бўлади. Хуллас, 1005 йили Сомонийлар сиёсий саҳна юзасидан бутунлай тушиб кетишга мажбур бўладилар ва шу вақтдан бошлаб Қорахонийлар энди Бухоро, Самарқанд, Амударёгача бўлган ҳудудларни ҳам бошқара бошлайдилар. Бошқача қилиб айтганда, XI аср бошларида Марказий Осиё бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этиларди. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён, Хутталон вилоятлари Қорахонийлар, Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар то жумладан Ғазнагача, Хуросон, Сеистон вилоятлари Ғазнавийлар, Хоразм эса Хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар Ўғизлар томонидан бошқарилар эди. Албатта, биз бу ҳолни ижобий баҳолай олмаймиз. Зеро, улкан минтақанинг бир қанча сиёсий маконларга бўлиниши, унинг ички ва ташқи хавфсизлигига путур етказиши, бу сиёсий кучлар аро зиддиятлар келиб чиқишига олиб келиши турган гап эди. Худди шундай бўлди ҳам. Масалан, 1008 йили Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасида тўқнашув юз берди (Балх атрофида). Шуниси қизиққи, ўз вақтида, яъни Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўзаро яқинлашув сиёсатини тутганлар. Буни сиёсий манфаатлар орқали тушунтириш мумкинлиги табиий, албатта.

XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Қорахонийлар шу юз йилликнинг 40-йилларидан буён кучга кира бошлаган янги сиёсий сулола Салжуқийлар билан кескин муносабатда бўла бошлайдилар (Салжуқийлар XI аср 40-йили Ғазнавийларни мағлубиятга учратиб, 50-йиллардан эса Хуросондан Бағдодгача бўлган ҳудудни ўз сиёсат йўлларига киритган эдилар). Бу икки сулола ўртасидаги минтақадаги ҳукмронликка интилиш борасидаги курашнинг амалий кўриниши сифатида 1089 йил воқеаларини келтириш мумкин. Чунончи, шу йили Салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ (1072 – 1092) Бухоро, Самарқанд, Ўзганд шаҳарларида ўз сиёсий ҳукмини ўрнатиб Қорахонийлар мавқеига жуда қаттиқ зарба беришга эришади. Гарчи тез орада Қорахонийлар ўз мавқеларини қайта тиклашга муваффақ бўлсаларда, аммо 1130 йили бошқа бир Салжуқий ҳукмдор Санжар (1118 – 1157) томонидан Самарқанднинг олиниши Қорахонийларнинг сиёсий куч сифатида бундан буёнги тақдирларини ҳал этди, деса бўлади. Чунки, энди Салжуқийлар Самарқанд тахтига Қорахонийлардан кимни ўтқазиш ё ўтқазмасликни тўғридан-тўғри ҳал қилардилар. Яъни Қорахонийлар сиёсий куч сифатида бутунлай йўқ бўлмасдан, Салжуқийлар иродаси доирасида фаолият кўрсатар эдилар. Кўп ҳам ўтмасдан – 1137 йили Қорахонийлар Шарқдан келган янги сиёсий куч Қорахитойлар (киданлар) томонидан мағлубиятга учрайдилар (Ҳўжанд атрофида). Қорахитойлар қудрати нечоғлик бўлганини шундан ҳам билиб олса бўладики, 1141 йили улар энди Қорахонийлар ва Салжуқийларнинг бирлашган лашкарларига ҳам зарба беришга муваффақ бўладилар. Қизиғи шу ердаки, Қорахитойлар ҳам Қорахонийларни сиёсий сулола сифатида бутунлай йўқ қилиб ташламай, аксинча уларни ўз қарамликларида тутиб қоладилар. Қорахонийлар фаолиятига чек қўйиш эса 1213 йилга келиб юз беради. Буни Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад (1200 – 1220) амалга оширади.

Қорахонийлар даври бошқарув тизими масаласига тўхталиб ўтсак, "Совет" тарихшунослиги мазкур сулоланинг Марказий Осиёда сиёсий ҳокимияти ва бошқарув усули ҳақида сўз юритиб, Қорахонийлар Сомонийлар ўрнини олишлари билан марказлашган давлат тизимига зарба берилди, бошқарувда мулкчилик (яъни, қўл ости вилоятларни сулола намояндаларига бўлиб бериш) шакли жорий қилинди қабилидаги ақидани илгари сурган. Ваҳолонки, бошқарув шакли жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, талаблари, вазифалари мазмунидан келиб чиқиши назардан четда қолдирилган. Чунончи, асли Еттисув вилоятида юксалишни бошлаган Қорахонийлар юқорида таъкидланганидек, шарқ, жануб, ғарб йўналишларида ўз сиёсий ҳукмронлик доираларини кенгайтириб борганлар ва бунинг натижасида Черчен дарёсидан Хоразмгача бўлган улкан ҳудудни бошқара бошлаганлар.

Сиёсий марказ сифатида эса юксалишлари бошланган ўз маконларидаги катта шаҳар Болосоғун ва нисбатан узоқда бўлмаган Қошғарни танлаганлар. Демак, асосий сиёсий марказ шу ҳудудда мужассамланган. Бухоро, Самарқанд, Чағониён, Фарғона ва бошқалар табиий равишда марказга нисбатан вилоят (мулк) ўрнида бўлганлар. Гарчи кўп жиҳатлардан Самарқанд, Бухоро кабилар тараққиётдан анча юқори бўлсаларда, лекин аммо худди шу даврдаги сиёсий вазиятга кўра бошқарув бош маркази минтақанинг Еттисув, Шарқий Туркистон қисмига кўчганди. Ана шу "табиий" сабабларга кўра анъанавий равишда марказ ролини ўтаб келган Бухоро, Самарқанд шаҳарлари эндиги сиёсий мавқеига кўра вилоят (мулк) даражасига "тушиб" қолишларига тўғри келган. Шу билан бирга уларнинг иқтисодий, маданий ва айниқса сиёсий имкониятлари шу қадар юқори бўлганки, кўриб чиқилганидек Самарқанд, Бухородаги сиёсий ўзгаришлар Қорахонийлар сулоласи мавқеида катта аҳамият касб этган. Иккинчи томондан, Сомонийлар даврида ҳам бир қанча вилоятлар (масалан, Хоразм, Сеистон, Ғазна, Чағониён ва бошқалар) марказдан ўлароқ мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилганликлари ҳам маълум. Демак, Сомонийлар даврида кейинги сиёсий-жуғрофий ўзгаришларга сабаб бўлган Қорахонийлар ҳукмронлик ва бошқарув т зимида шу ўзгаришларга яраша баъзи янгиликлар бўлиши табиий эди. Аммо таъкидланганидек, бошқарув тизимининг шакли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий омиллар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам Қорахонийлар даврида Сомонийлар вақтида мавжуд бўлган бошқарув тизимининг асосий ,мазмуни йўқолгани йўқ.

Марказдаги бошқарув тизими икки идора: даргоҳ ва девондан иборат бўлган. Олий ҳукмдор ўзига тобе вилоят ва шаҳарларга ҳукмдор сулола намояндаларини тайинлаб, бу билан табиий равишда, бутун мамлакат узра ўз сиёсатини юргазишни мақсад қилиб қўйган (Вилоят (мулк) ҳукмдорлари илиг унвонига эга бўлганлар). Бироқ илгарилари ҳам кўрганимиздек вилоятлар марказдан фарқли мустақил сиёсат юритишга интилганлар ҳам. Бу ўз ўрнида ички низоларга сабаб бўлиб XI аср учинчи чорагида Қорахонийлар давлат бирлиги иккига: ғарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Бунинг маъниси шуки, Самарқанд, Бухоро ё бир сўз билан айтганда Моваро уннаҳрда ҳукмронлик қилган Қорохонийлар намояндалари бундан буён марказга бўйсинишдан бош тортиб мустақил сиёсат юргиза бошлаганлар. Шарқий вилоятларда (Еттисув, Шарқий Туркистон) жойлашган марказ эса уларни бўйсиндиришга ноқобил бўлган. Аммо ҳам ғарб, ҳам шарқ бир сиёсий хонадоннинг турли намояндалари орқали бошқариб бораверилган.

Ғарбий хоқонликда (Самарқанд, Бухоро, Хутталон, Чағониён) Сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизими (бош вазир, молия ишлари, давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, соқчилар бошлиғи, хат-хабарлар, сарой иш бошқарувчиси, мухтасиб, вақфлар, қозилик ишлари девонлари) деярли сақланиб қолгани маълум. Шунингдек, вилоят бошлиқларини ҳоким, шаҳар каттасини раис деб аташ расми ҳам ўзгармаган.

Ҳар қандай давлатчиликда бўлгани каби Қорахонийлар даврида ҳам марказдаги (даргоҳдаги) бошқарув тизимига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ, яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар муносабатларини уйғунлаштириб турувчи (бош) ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Сомонийлардан фарқли ўлароқ Қорохонийлар даврида ҳожиблар асосан олий ҳукмдор, вилоят ҳокимларининг давлат ва раиййат ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар. Бунинг исботини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб (тахминан 1020-йилларда туғилган) Қорахоний Тавғоч Қора Буғрохон (1074 – 1102-1103) эътиборини қозониб Хос Ҳожиб унвонини олган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган: "Хос Ҳожиб унвонин лойиқ билди у (яъни Буғрохон), ўзига энг яқин одам қилди у". Худди шундай унвонга бошқа бир улуғ аждодимиз Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ҳам муносиб кўрилгани маълум.

Даргоҳ фаолиятини тегишли даражада тутиб туришда сарой ишлари бошқарувчиси, ҳозирда биз протокол юмушлари деб билувчи меҳмонларни қабул қилиш хизмати (унинг бошлиғи "Бирук" деб аталиб бу атама "Буйруқ"дан ҳосил қилинган), хазиначи (ағичи), ошхона (ошчи), шарбатдор, ётоқ, кийим-кечак билан таъминловчи хизмат, ов уюштириш хизмати (қушчи) ва бошқаларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бўлган.

Олий ҳукмдор хавфсизлигини таъминлаш, унинг иссати йўлида содиқона хизмат қилиш вазифаси бўлган махсус сараланган ҳарбий қисм (гвардия) ҳам даргоҳ бошқарув тизимига кирган. Албатта, гвардиядан ташқари ҳарбий қўшин ҳам мавжуд эди. Ундаги энг муҳим лашкарбошилик ва бошқарув мансабларга Қорахонийлар сулоласи намояндалари ҳамда содиқлигига шубҳа йўқ турк лашкарбошилари тайинланган. Агар қўшиндаги бошқарув тизимига назар ташланса шу нарса маълум бўладики, йирик лашкарбошилардан ташқари кичик офицерлар (чабуш), отлиқлар сардори (хайл боши), юзбоши, мингбоши каби ҳарбий мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бир вақтнинг ўзида минтақада бир неча ўзига яраша қудратли сиёсий кучларнинг фаолият кўрсатиши ва бундан ташқари Қорахонийлар сулоласидаги ички чиқишмовчиликлар даргоҳнинг ташқи ишлар (дипломатия) масаласига жиддийлик билан қарашига сабаб бўлган. Бунга ишорани Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асарида келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз ҳам мумкин. Ташқи сиёсат билан шуғулланувчиларга, хусусан, элчилар олдига жуда катта талаблар қўйилган. Яъни, улар "билимли, ўқувли, етук, шерюрак, кўзи тўқ, уят-андишали" бўлишлари керак экан. Талаблар ичида шундайлари ҳам бор: астрономия, математика, геодезия илмларини мукаммал билиш, шахмат ва нардни рақибларидан устун даражада ўйнаш, ҳарбий санъатда беназир бўлиш ва ҳеч қачон май ичмаслик, сўз, ибораларнинг тўғри ва кўчма маъноларини пухта билиш.

Иқтисодий муносабатлар тўғрисида сўз кетаркан, шуни айтиш керакки, Қорахонийлар даврида ҳам деҳқончилик ишлари ўз маромида кечган. Бунга албатта сунъий суғориш тизимларининг муносиб равишда ишлаб туриши, лозим бўлганда уларни таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши, ер ости, ер усти қувурларининг ўтказилиши, каналлар, сув омборлари тўсиқларининг бунёд этилиши ҳамда ўлкада, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида деҳқончиликнинг анъанавий юқори даражада бўлганлиги орқали эришилган. Илгаридек деҳқончиликнинг барча асосий ўсимлик турлари етиштириб борилгани ҳам маълум.

Кўрилаётган даврда кончиликдаги саъй-ҳаракатлар ҳам сусаймаган. Чунончи, Оҳангарон атрофида (Қорамозор) мис, кумуш, қўрғошин конлари, Фарғонада олтин, симоб, кумуш, темир, мис, феруза, новшадил, нефт, купорос, қатрон, Нурота тоғларида олтин, мис, кўрғошин, симоб, мармар, Бухоро, Усрушонада олтин, нефт, феруза, темир конлари ишлаб тургани аниқ.

Деҳқончилик ва тоғ-кон ишлаб чиқаришидаги фаоллик бошқа бир муҳим соҳа ҳунармандчиликни ҳам жонлантириб тургани табиий. Шунинг учун темирчилик, кулолчилик, шишасозлик (ойнасозлик), заргарлик, тўқимачилик, кўнчилик каби ўттиздан ортиқ соҳалар ўз аҳамиятини йўқотмай, аксинча янада ривожланиб борган. Масалан, шишасозликда шишадан ишланган буюмларга (ошхона буюмлари, рўзғор жиҳозлари, безак-тақинчоқлар, сиёҳдон, тувак ва бошқалар) турли рангда жило бериш расм бўлганини биламиз. Бу албатта ўз даври учун катта ютуқ. Бундан ташқари иморатларни, яъни қурилишда, безаш, жиҳозлашда шишасозлик имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Чунончи, уларга ўрнатилган ойналар ҳам рангсиз, ҳам рангли бўлиши мумкин эди. Панжаралар оралиғига турли рангдаги шишалардан ўрнатиб иморат қўркини очишга ҳаракат қилинганини ҳам эслатиб қўйиш жоиздир.

Тўқимачилик тўғрисида сўз юритганда аввало шуни қайд этиш керакки, бу борада Бухоро, Самарқанд вилоятлари пешқадамликни қўлдан бермаганлар. Пахтадан тўқилган турли хилдаги газламалар ҳам минтақада, ҳам ундан ташқарида машҳур бўлган. Кўнчилик маҳсулотларидан эса манбаларда олмахон, собол ва бошқа ҳайвонлар терисидан тикилган пўстин (ичук), чармдан ишланган оёқ кийимлар (излик), туя ё қўй юнгидан тўқилган иссиқ кийим (қарс), гулдор наматлар ва бошқалар тилга олинади. Кўнчиликда энг нозик ишлардан ҳисобланмиш мўйни тўқтиришда арзутал номли аралашмадан фойдаланилганини Маҳмуд Қошғарий асаридан билиб олиш мумкин.

Аввалари ҳам кўрилганидек деҳқончилик, ҳунармандчиликдаги бир текис равнақ савдо-сотиқ ишларини жадаллаштириб боришда муҳим аҳамият касб этган. Қорахонийлар даврига келиб Шарқий Туркистондан Хоразмгача бўлган катта ҳудуднинг бир сиёсий маконга айланиши савдо-сотиқ ишларида минтақанинг шарқий вилоятлари имкониятларини юзага чиқариш шароитини яратиб берди. Чунончи, биз бугун "Ипак йўли" деб биладиган савдо йўли тўғридан тўғри Шарқий Туркистонни араб ўлкалари билан туташтириб турган. Ўз даврида шимолий ва жанубий йўналишларга эга бўлган бу йўлнинг бир учи тарихий Хитойдан бошланиб Шарқий Туркистон, Фарғона, Тошкент, Зарафшон водийси, Бухоро орқали ҳам шимолда Волга бўйлари билан Шарқий Европага, жанубда эса Ўрта Шарқ орқали Ўрта Ер денгизигача етиб борган. Йўл узра жойлашган шаҳар ва қишлоқларда бозорлар, карвонсаройлар тозалиги ва орасталиги, умуман, савдогарларга хизмат кўрсатиб шу орқали фойда кўриладиган турли хизматларни муҳайё этишга катта эътибор берилган. Мунтазам равишда турли ерларда савдо кўргазмалари уюштирилиб турилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Қорахонийлар давридаги қурилиш ишларига назар ташланса шу нарса аён бўладики, Бухородаги Минорайи калон, Жарқўрғон (Сурхондарё), Ўзганддаги миноралар, масжидлар, Самарқандда мадрасалар бунёд этилган. Қорахоний ҳукмдорлар савоб ишлардан ҳам бўлади. Чунки, энди Салжуқийлар Самарқанд тахтига Қорахонийлардан кимни ўтқазиш ё ўтқазмасликни тўғридан-тўғри ҳал қилардилар. Яъни Қорахонийлар сиёсий куч сифатида бутунлай йўқ бўлмасдан, Салжуқийлар иродаси доирасида фаолият кўрсатар эдилар. Кўп ҳам ўтмасдан – 1137 йили Қорахонийлар Шарқдан келган янги сиёсий куч Қорахитойлар (киданлар) томонидан мағлубиятга учрайдилар (Ҳўжанд атрофида). Қорахитойлар қудрати нечоғлик бўлганини шундан ҳам билиб олса бўладики, 1141 йили улар энди Қорахонийлар ва Салжуқийларнинг бирлашган лашкарларига ҳам зарба беришга муваффақ бўладилар. Қизиғи шу ердаки, Қорахитойлар ҳам Қорахонийларни сиёсий сулола сифатида бутунлай йўқ қилиб ташламай, аксинча уларни ўз қарамликларида тутиб қоладилар. Қорахонийлар фаолиятига чек қўйиш эса 1213 йилга келиб юз беради. Буни Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад (1200 – 1220) амалга оширади.

Қорахонийлар даври бошқарув тизими масаласига тўхталиб ўтсак, "Совет" тарихшунослиги мазкур сулоланинг Марказий Осиёда сиёсий ҳокимияти ва бошқарув усули ҳақида сўз юритиб, Қорахонийлар Сомонийлар ўрнини олишлари билан марказлашган давлат тизимига зарба берилди, бошқарувда мулкчилик (яъни, қўл ости вилоятларни сулола намояндаларига бўлиб бериш) шакли жорий қилинди қабилидаги ақидани илгари сурган. Ваҳолонки, бошқарув шакли жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, талаблари, вазифалари мазмунидан келиб чиқиши назардан четда қолдирилган. Чунончи, асли Еттисув вилоятида юксалишни бошлаган Қорахонийлар юқорида таъкидланганидек, шарқ, жануб, ғарб йўналишларида ўз сиёсий ҳукмронлик доираларини кенгайтириб борганлар ва бунинг натижасида Черчен дарёсидан Хоразмгача бўлган улкан ҳудудни бошқара бошлаганлар.

Сиёсий марказ сифатида эса юксалишлари бошланган ўз маконларидаги катта шаҳар Болосоғун ва нисбатан узоқда бўлмаган Қошғарни танлаганлар. Демак, асосий сиёсий марказ шу ҳудудда мужассамланган. Бухоро, Самарқанд, Чағониён, Фарғона ва бошқалар табиий равишда марказга нисбатан вилоят (мулк) ўрнида бўлганлар. Гарчи кўп жиҳатлардан Самарқанд, Бухоро кабилар тараққиётдан анча юқори бўлсаларда, лекин аммо худди шу даврдаги сиёсий вазиятга кўра бошқарув бош маркази минтақанинг Еттисув, Шарқий Туркистон қисмига кўчганди. Ана шу "табиий" сабабларга кўра анъанавий равишда марказ ролини ўтаб келган Бухоро, Самарқанд шаҳарлари эндиги сиёсий мавқеига кўра вилоят (мулк) даражасига "тушиб" қолишларига тўғри келган. Шу билан бирга уларнинг иқтисодий, маданий ва айниқса сиёсий имкониятлари шу қадар юқори бўлганки, кўриб чиқилганидек Самарқанд, Бухородаги сиёсий ўзгаришлар Қорахонийлар сулоласи мавқеида катта аҳамият касб этган. Иккинчи томондан, Сомонийлар даврида ҳам бир қанча вилоятлар (масалан, Хоразм, Сеистон, Ғазна, Чағониён ва бошқалар) марказдан ўлароқ мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилганликлари ҳам маълум. Демак, Сомонийлар даврида кейинги сиёсий-жуғрофий ўзгаришларга сабаб бўлган Қорахонийлар ҳукмронлик ва бошқарув т зимида шу ўзгаришларга яраша баъзи янгиликлар бўлиши табиий эди. Аммо таъкидланганидек, бошқарув тизимининг шакли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий омиллар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам Қорахонийлар даврида Сомонийлар вақтида мавжуд бўлган бошқарув тизимининг асосий ,мазмуни йўқолгани йўқ.

Марказдаги бошқарув тизими икки идора: даргоҳ ва девондан иборат бўлган. Олий ҳукмдор ўзига тобе вилоят ва шаҳарларга ҳукмдор сулола намояндаларини тайинлаб, бу билан табиий равишда, бутун мамлакат узра ўз сиёсатини юргазишни мақсад қилиб қўйган (Вилоят (мулк) ҳукмдорлари илиг унвонига эга бўлганлар). Бироқ илгарилари ҳам кўрганимиздек вилоятлар марказдан фарқли мустақил сиёсат юритишга интилганлар ҳам. Бу ўз ўрнида ички низоларга сабаб бўлиб XI аср учинчи чорагида Қорахонийлар давлат бирлиги иккига: ғарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Бунинг маъниси шуки, Самарқанд, Бухоро ё бир сўз билан айтганда Моваро уннаҳрда ҳукмронлик қилган Қорохонийлар намояндалари бундан буён марказга бўйсинишдан бош тортиб мустақил сиёсат юргиза бошлаганлар. Шарқий вилоятларда (Еттисув, Шарқий Туркистон) жойлашган марказ эса уларни бўйсиндиришга ноқобил бўлган. Аммо ҳам ғарб, ҳам шарқ бир сиёсий хонадоннинг турли намояндалари орқали бошқариб бораверилган.

Ғарбий хоқонликда (Самарқанд, Бухоро, Хутталон, Чағониён) Сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизими (бош вазир, молия ишлари, давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, соқчилар бошлиғи, хат-хабарлар, сарой иш бошқарувчиси, мухтасиб, вақфлар, қозилик ишлари девонлари) деярли сақланиб қолгани маълум. Шунингдек, вилоят бошлиқларини ҳоким, шаҳар каттасини раис деб аташ расми ҳам ўзгармаган.

Ҳар қандай давлатчиликда бўлгани каби Қорахонийлар даврида ҳам марказдаги (даргоҳдаги) бошқарув тизимига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ, яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар муносабатларини уйғунлаштириб турувчи (бош) ҳожиблар фаолияти алоҳида ўрин тутган. Сомонийлардан фарқли ўлароқ Қорохонийлар даврида ҳожиблар асосан олий ҳукмдор, вилоят ҳокимларининг давлат ва раиййат ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар. Бунинг исботини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб (тахминан 1020-йилларда туғилган) Қорахоний Тавғоч Қора Буғрохон (1074 – 1102-1103) эътиборини қозониб Хос Ҳожиб унвонини олган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган: "Хос Ҳожиб унвонин лойиқ билди у (яъни Буғрохон), ўзига энг яқин одам қилди у". Худди шундай унвонга бошқа бир улуғ аждодимиз Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ҳам муносиб кўрилгани маълум.

Даргоҳ фаолиятини тегишли даражада тутиб туришда сарой ишлари бошқарувчиси, ҳозирда биз протокол юмушлари деб билувчи меҳмонларни қабул қилиш хизмати (унинг бошлиғи "Бирук" деб аталиб бу атама "Буйруқ"дан ҳосил қилинган), хазиначи (ағичи), ошхона (ошчи), шарбатдор, ётоқ, кийим-кечак билан таъминловчи хизмат, ов уюштириш хизмати (қушчи) ва бошқаларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бўлган.

Олий ҳукмдор хавфсизлигини таъминлаш, унинг иссати йўлида содиқона хизмат қилиш вазифаси бўлган махсус сараланган ҳарбий қисм (гвардия) ҳам даргоҳ бошқарув тизимига кирган. Албатта, гвардиядан ташқари ҳарбий қўшин ҳам мавжуд эди. Ундаги энг муҳим лашкарбошилик ва бошқарув мансабларга Қорахонийлар сулоласи намояндалари ҳамда содиқлигига шубҳа йўқ турк лашкарбошилари тайинланган. Агар қўшиндаги бошқарув тизимига назар ташланса шу нарса маълум бўладики, йирик лашкарбошилардан ташқари кичик офицерлар (чабуш), отлиқлар сардори (хайл боши), юзбоши, мингбоши каби ҳарбий мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бир вақтнинг ўзида минтақада бир неча ўзига яраша қудратли сиёсий кучларнинг фаолият кўрсатиши ва бундан ташқари Қорахонийлар сулоласидаги ички чиқишмовчиликлар даргоҳнинг ташқи ишлар (дипломатия) масаласига жиддийлик билан қарашига сабаб бўлган. Бунга ишорани Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асарида келтирилган маълумотлар орқали кўришимиз ҳам мумкин. Ташқи сиёсат билан шуғулланувчиларга, хусусан, элчилар олдига жуда катта талаблар қўйилган. Яъни, улар "билимли, ўқувли, етук, шерюрак, кўзи тўқ, уят-андишали" бўлишлари керак экан. Талаблар ичида шундайлари ҳам бор: астрономия, математика, геодезия илмларини мукаммал билиш, шахмат ва нардни рақибларидан устун даражада ўйнаш, ҳарбий санъатда беназир бўлиш ва ҳеч қачон май ичмаслик, сўз, қочмаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Чунончи Қорахоний Иброҳим ибн Наср 1068 йили Самарқанддаги бир касалхона ихтиёрига бутун иморатлари, расталари билан икки карвонсаройни тақдим (вақф) этади. Ҳужжатдан англанишича, ана шу икки карвонсаройдан келаётган даромаддан касалларнинг озиқ-овқати, ичимлиги, дори-дармони, табиблар, барча турдаги хизмат кўрсатувчиларни тегишли маош билан таъминлаш йўлида фойдаланилган. Бошқа бир ҳужжатда Самарқандда ташкил этилган мадраса (бизнинг ҳозирги тушунчадаги университет) комплексини таъминлаш учун Иброҳим ибн Наср уч меҳмонхона, бир карвонсарой, бир эркаклар ҳаммоми, сув айирғич, узумзор, бир қанча экин далалари ва бошқалардан келадиган даромадни вақф қилиб бергани ҳақида гувоҳликлар мавжуд.

Қорахонийлар даврида ҳам кўплаб истеъдод эгалари юзага чиққан. Шулардан юқорида номлари тилга олинган Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қошғарий ҳақида тўхталиб ўтсак. Чуқур билимлар ва тафаккур эгаси Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билик" ("Саодатнома") асари билан машҳурдир. Зеро, бу асарда давлатни бошқариш усули, қонун-қоидалари, сиёсати, мафкураси, ижтимоий гуруҳлар аро муносабатлар, одоб-ахлоқ масалаларига оид ўз даври учун зарур ва фойдали, тарихан аҳамиятини йўқотмовчи фикрлар илгари сурилган. Чунончи, у жамиятнинг тўрт устунини қуйидагича белгилаб берган: АДОЛАТ, ДАВЛАТ, АҚЛУ ЗАКОВАТ, ҚАНОАТ. Диққатга сазовар томони шундаки, мана шу тўрт устун асосидаги жамият бахт-саодатини таъминлашда биринчи ўринга билим қўйилади: "Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, Билим қайда бўлса, буюклик бўлар". Яъни жамият, давлат, инсон улуғликка, буюкликка ўқув ва билим орқали эришади. Ё бўлмаса асарда келтирилган давлат-идора кишилари ҳақидаги фикрларни олайлик. Вазирлар оқил, довюрак, имонли, номусли бўлишлари керак. Беклар, яъни ҳокимлар эса билимли, етук, кўзи, кўнгли тўқ бўлмоғи даркор. Агар улар бузуқ феъл бўлсалар, замона ўқидан қочиб қутулолмайдилар, улардан омад ҳам юз ўгиради, ғамга гирифтор бўладилар. Юсуф Хос Ҳожиб лашкарбошилар хусусида шундай дейди: олисдаги ёвнинг вахмасидан қўрқма, аксинча ундан яқиндан воқиф бўлиб тур, шунда унинг бор имконидан хабар топасан. Ёвга қарши курашда кекса баҳодирларни олдингги сафга қўй, токи улар лашкарга далда беради. Чунки ёшлар шиддатли бўлишларига қарамай душман кўтарилганда (тажрибасизликдан) ўзларини йўқотиб қўйишлари мумкин. Душман даҳдаҳа қилиб дўқ қилса, бардошли бўл, чекинма (чунки, у шу билан сени синамоқи мумкин.). "Қутадғу билик"да олимлар, шоирлар, деҳқонлар, чорвадорлар, савдогарлар ҳақида, оила, фарзанд тарбиясига оид ҳикматли фикрлар ҳам бир талай.

Маҳмуд Қошғарий ҳам ўзидан ажойиб ва бебаҳо мерос қолдирган. Бу унинг туркий тиллар ва маълум маънода туркий халқлар ҳақидаги қомусий асари "Девону луғотит турк"дир. Асар Марказий Осиё халқларининг тиллари тарихини ўрганишда, чунончи ўша давр тили морфологияси, фонетикаси, лексика, этимологиясини ўрганишда беназир манба ҳисобланади. Бундан ташқари унда минтақа халқларининг этник тарихига оид ғоятда қимматли маълумотлар жамланган. Маълумки, туркий халқлар ҳам сон жиҳатдан кўп, ҳам серқавм бўлиб келганлар. Улар аро муносабатлар тарихини еритишда "Девону луғотит турк"н нг аҳмияти катта. Бундан ташқари асарда учрайдиган давлатчилик, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, ҳунармандчилик, расм-русумлар, маданий

1994 йил — Мирзо Улуғбек йили

МЕЪМОР

Расадхонани тикламоқчи бўлган олим

Бундан олти йил муқаддам тошкентлик Митхат Булатов ўзининг почта қутисидан ғалати мактуб топиб олди. Хат Табольскдан келган бўлиб, ичига ўша ёқда чиқадиган "Тобольская правда" газетаси жойланган эди. Рўзноманинг бир сони бошдан оёқ Тобольск шаҳрининг 400 йиллигига ва шу ерда туғилиб ўсган, кейинчалик таниқли олиму фозиллар бўлиб етишган кишиларга бағишланганди. Буни қаранг-ки, тобольсклик машҳур кишилар орасида ҳамшаҳаримиз Митхат Булатов ҳам бор экан. Бинобарин, унга хийла катта мақола бағишланган эдики, бу унинг олис Сибирь шаҳрида ўзига яраша обрў, иззат-икромга сазоворлигидан далолат берарди.

Митхат ака газетани завқ билан ўқиди. Айниқса, ўзи ҳақидаги мақола муаллифи номига нигоҳи тушганда ўраги ҳапқириб кетди. Ёшлиги, йигирманчи йилларда бадиий мактабда ўқиб юрган кезлари, расм чизишга қизиққани ёдига тушди.

Мақола муаллифи — бадиий моделл. Қарийб ўн беш йилдирки, меъмор-олимни Ўрта асрнинг бу бебаҳо иншооти, дунё фалакиёт илми тарихининг ягона ёдгорлиги тақдири қизиқтирмоқда. Шунча йилдан бери уни тадқиқ этиш билан банд. Самарқандга неча марталаб борди. X асрда савлат тўкиб турган, цилиндирсимон иншоотнинг ҳанузгача сақланиб қолган пойдевор қолдиқлари-ю, квандрат деворларининг паст қисми бўлмиш тош ҳандақни қайта-қайта кўздан кечирди. Биз юқорида тилга олган ҳалиги макет Булатов чизмалари асосида Москва тажриба-экспериментал фабрикасида тайёрланганди.

Дунё аҳамиятига молик бу илмий ва маданий меросни қутқариб қолиш, сақлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқи меъморга сира тинчлик бермайди. Бир вақтлар олим ўша бебаҳо иншоотни тарихан ўз ўрнида тиклаш тарафдори бўлди, ўзининг лойиҳаларини таклиф этди. Аммо ёдгорликни пойдевор қолдиқлари устида қайта тиклаш йўли билан қутқариш фикрини республиканинг баъзи олим ва мутахассислари қўллаб-қувватламадилар. Зеро, асоссиз рад этилмаганди. Ахир, ҳозирги материал тақчиллигида иншоотни қайта тиклашнинг ўзи бўладими? Кунпаякун қилинган ёдгорликни йўқ жойдан қайта тиклаш фавқулодда мураккаб иш. Бунақаси дунё амалиётида ҳали учрамаган. Бундан ташқари, расадхона чизмалари у ёқда турсин, лоақал ички ва ташқи кўринишни аниқ баён этилган биронта тарихий манба қолмаган.

Ниҳоят янги ғоя туғилди. Бинобарин, у ЮНЕСКО иштирокида бутун дунё буюк олим Улуғбек туғилган куннинг 600 йиллигини нишонлаётган 1994 йилда юзага келгани билан ҳам қадрлидир. Маълумки, бу санага республикамизда ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Хўш, тиниб-тинчимас меъмор-олим қандай ғояни илгари сурди, дерсиз? У "Фалакиёт ва Турон-Туркистон меъморчилиги" деб номланган кўчма кўргазма ташкил этишни таклиф қилди. Митхат Сагадатдинович унинг таърифини шундай келтиради.

— Кўргазмага менинг ислом дини пайдо бўлгунга қадар ва ислом даврида меъморчилик билан фалакиёт тушунчаси ўртасидаги узвийлик ҳақидаги кўп йиллик тадқиқотларимни асос қилиб олишларини таклиф этганман, — дейди у. — Кўргазма уч бўлимдан иборат: фалакиёт ва эрамиздан олдинги III-II минг йилларда Турон меъморчилиги; Туркистонда мусулмон Уйғониши меъморчилиги; Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси.

Шундан сўнг олим ушбу ғаройиб кўргазмага қандай экспонатлар қўйиш назарда тутилаётгани ҳақида қаяжон билан сўзлайди.

Булар — ўймакорлик буюмлари, меъморлик шаклларининг қурилиш усуллари ва ўтмиш нақшлари, режалар, чизмалар, оқ-қора ва рангли фотосуратлар, йирик ҳажмли слайдалар, модел ва макетлар, видеофильм ва бошқалардир. Кўргазмага келганлар диққатига турли катологлар, плакат ва эсдалик буюмлар ҳавола этилади. М. Булатов мўлжалланаётган кўргазмадаги экспонатларнинг сонини эмас, ҳатто уларнинг қанча оғирликда бўлишини ҳам ҳисоблаб чиққан. Кўргазманинг оғирлиги барча аппаратлари, жиҳозлар, контейнерлари билан биргаликда атиги тўрт тоннага яқин бўлади.

— Кўргазманинг тижорат мақсадлари йўқ, — деб таъкидлайди олим. — Асосий ният турли экспонатлар, жумладан, қадимий археологик топилмаларни намойиш этиш орқали нафақат мутахассислар, олимлар, балки кенг жамоатчиликнинг қизиқишини қондиришдир. Зеро, Улуғбек меросини ўрганишга бўлган эҳтиёж республикамизда ҳам, четда ҳам, айниқса ғарб мамлакатларида жуда катта.

Булатовни фақат тарихчи-олим сифатида таърифласак кўп қиррали ижодий хизмат фаолиятини тўла ёритолмаган бўламиз. Унинг ёши саксондан ошди. Катта ва сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтган олимнинг ижодий фаолияти 1934 йилда — Ленинград коммунал қурилиш муҳандислари институтининг архитектура факультетини битириб келгач, Тошкентда бошланди. У ўзининг ҳаёт йўлини қатъий танлаб архитектор бўлди. Ёш меъмор урушдан олдинги йиллардаёқ пойтахтимизнинг ҳозирги энг чиройли кўчаларидан бири деб тан олинган Навоий кўчаси лойиҳалаштирилаётган ва қурилаётган пайтда ўзининг иқтидорли мутахассис эканлигини кўрсатди. Ўттизинчи йилларда кўчанинг ўрнида икки тарафи пахса деворли иморатлар билан қуршалган эгри-бугри йўл бўлганини кексалар яхши эслашади. Булатов ва ҳамкасблари ўша давр учун хийла жўяли ҳисобланган таклифлар билан чиқишиб консерваторлар ва янгиликдан ҳадиксирувчиларнинг қаршиликларини енгиб ўтишга муваффақ бўлишди.

Тошкент шаҳрининг архитектураси 1937 йилдан буён олим номи билан чамбарчас боғланган десак муболаға эмас. Чунки у 20 йил мобайнида республика пойтахтининг бош меъмори вазифасида узлуксиз ишлади. Муҳим соҳага оқилона раҳбарлик қилиш билан бирга лойиҳалаш ишларида ҳам фаол қатнашди. Яқинда М. С. Булатовнинг 80 йиллиги олдидан нашр этилган билдиргичда шаҳримиздаги "Пахтакор" ўйингоҳи, "Тошкент" меҳмонхонаси, Қишлоқ хўжалик вазирлиги биноси сингари кўркам иншоотлар олим меҳнатининг маҳсули эканлиги алоҳида қайд этилган. Бешёғоч майдонидаги бинолар, Бухоро шаҳрининг янги маркази ҳам илк бор унинг чизма тахтасида юз кўрсатган. У Тошкент шаҳри бош режаси, "Ғалаба" парки, ҳозирги Миллий боғ бунедкорларининг биридир.

Тиниб-тинчимас олим ўзини батамом илмга бағишлаб, Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида замонавий архитектура бўлимини бошқарганда ҳам лойиҳа ишларидан ўзини четга олмади, конкурсларда қатнашиб турди. Хусусан, Самарқанддаги тарих музейининг биноси ана шу тариқа вужудга келди. Меъмор ўзининг узоқ яшаш сирини ҳам узлуксиз ижодий интилишларда деб билади.

Бутун дунёда тан олинган IX-XV аср Ўрта Осиё меъморчилигида геометрик уйғунлик ҳақидаги илмий назарияларни М. Булатов яратганини биз эндиликда яхши биламиз. Лекин у бошқа кўплаб китобларнинг ҳам муаллифидир. Шулардан энг аҳамиятли иккитасини тилга оламиз: биринчиси — "Самонийлар мавзолейи — Ўрта Осиё меъморчилигининг гавҳари" номли китоб бўлиб, олим унда ушбу бебаҳо ёдгорликнинг асл кўринишини яратди. Иккинчиси эса республика пойтахти ҳақидаги тадқиқотлар тўплами бўлмиш "Тошкентнинг ўтмиши, бугуни, келажаги" китобидир.

М. С. Булатов ҳақида ҳамкасблари фахр билан сўзлашади. Санъатшунослик профессори Р. Ремпель бир вақт унга: "чаққон, серҳаракат, ўзида сибирликларнинг бардошлигини, бухоролик бобоколонларининг ж ў ш қ и н л и г и н и мужассамлаштирган. У ўзининг шарифига монанд — бамисоли тобланган пўлатдай соф, мустаҳкам", деб таъриф берган эди.

Бу баландпарвоз гап эмас, балки бутун умрини жонажон юрт меъморчилигига бахшида этган инсонга берилган холис таърифдир.

Икром АҲМЕДОВ,
Норбобо ШАКАРОВ.

•ҒАРОЙИБ ДУНЁ

АШАДДИЙ ХОТИНБОЗЛАР

ЎРТА ЕР денгизининг соҳилида жойлашган қишлоқлардан бирида яшовчи деҳқон Қодир Салим Малик 79 ёшида абадият дунёсига равона бўлди.

Салим Малик аёлларга жуда ўч эди ва улар қалбини тезда забт эта оларди. Шунинг учун ҳам у 39 марта хотин олишнинг уддасидан чиққан.

Аниқлашича, хотинларининг 25 нафари Маликка қизлигида теккан, 14 нафари эса бева қолгач, 12 хотини унга фарзанд ҳадя этган, улардан Малик 31 нафар ўғил-қиз кўрган.

Ажабланарлиси шундаки, зайфаларнинг бирортаси Малик билан 2 йилдан ортиқ яшашмаган.

***

Калифорниянинг Блайс шаҳарчасида тарихий воқеа содир бўлганига ҳам анча бўлди: у ерда икки рекордчи — Гленн Вольф ва Линда Эссекснинг никоҳ кечаси ўтказилди. Иккаловининг ҳам рекорди шундан иборатки, бири хотинбозликда рекордчи, иккинчиси эса эрга тегишда. Гленн Вольф 85 ёшидаям уйланди ва Линда унинг қонуний 28-хотини бўлди. Аммо Линдахоним ҳам бу жиҳатдан Гленндан қолишмайди. У 53 ёшида бўлишига қарамай 22 марта эр "алмаштиришга" улгурган. Бу сафарги никоҳ эса йигирма учинчиси. Уларнинг иккови ҳам хотинбозлик ва эрбозликда "донг таратиб" аллақачон Гиннеснинг рекордлар китобига номлари тарқалган.

***

Америконинг Сиэтл шаҳрида шундай оила бор: Адина Ва Жек Морганлар. Улар илк бор 1937 йили никоҳланишган. Лекин ярим аср мобайнида улар 39 марта ажралишган ва қайта никоҳланишган. Уларнинг таъкидлашларича, бу ишни Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га тушиш учун қилишмаган.

Мулоҳаза, таклиф

ЎЗБЕК ТИЛИДА НЕЧТА СЎЗ БОР?

Ёхуд изоҳли луғат тузиш йўлидаги айрим муаммолар хусусида

Изоҳли луғат — халқнинг маданияти, ақл-заковати ва билим даражасини кўрсатувчи мезондир. Шунинг учун уни тузиш оддий ҳаваскорлик иши эмас, балки муҳим давлат аҳамиятига эгадир. Шу ўринда бир ибратли мисолни эсламоқчимиз. Россия ҳукуматининг топшириғи ва яқиндан ёрдами туфайли Дал бутун умрини 250 минг сўзли рус тили изоҳли луғатини тузишга ва нашр этишга бағишлади. 1919 — 20 йилларда амлакатдаги ҳаробазорлик, халқ хўжалигининг тамоман издан чиқиши ва қаҳатчилик пайтида Ленин 1920 йил 18 январида РСФСР Халқ маорифи комиссари А. В. Луначарскийга хат ёзиб, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, 30 олимни тўплаб, уларга "қизил аскарлар поёгини" бериб, рус тилининг янги изоҳли лўғатини тузишни топширди. Ҳозир рус тилининг 250 мингдан ортиқ сўзни изоҳлаган 17 томлик изоҳли луғати ва 110 минг сўзли имло луғати бор...

Ҳақиқатан ҳам луғат тузиш тилшуносликнинг энг сермашаққат соҳаси ҳисобланади. Бу иш учун юқори малакали мутахассис олимлар зарур бўлади. Бу бутун куч ва билимни, вақтни тўла сарфлашни талаб қиладиган фидокорона иш. Машҳур француз файласуфи ва адабий танқидчиси шоир Скалигер бундан тўрт аср олдин шундай деб ёзган эди:

Кимики зўр жазога маҳкум эрса,
Шунинг учун чекса қайғу-ғам ҳар онда,
Темирчи бўл, дема, қийнаб уни сен,
Кўмир қаздирмаю, ишлатма конда,
Жазо берма — луғат туздиргил унга:
Бунингдек мушкул иш йўқ ҳеч жаҳонда.
(Русчадан Чустий таржимаси).

Бутун умрини, кучини, билимини сарфлаган мутахассис луғатшунос жуда кўп ҳақ ололмайди, ўзи яратган луғатга ҳатто муаллиф ҳам бўла олмайди, у фақат "тузувчи" бўлиб қолади.

1981 йили икки жилдли 60 минг сўз ва сўз бирикмаларининг маънолари изоҳлаб берилган ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати Москвада нашр этилди. Бу Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида и 20 га яқин етакчи олимларнинг ўттиз йиллик узлуксиз фидокорона меҳнатининг натижаси эди.

Аслида бу луғат ўша даврдаги умумий анъанага кўра, Октябрь тўнтаришидан кейинги адабий тилимиздаги асосий ва кўп қўлланиладиган сўзларнигина қамраб олган эди. Шунинг учун ҳам изоҳли луғат нашр этилган йилнинг ўзидаёқ (1981 йил) 20 йиллик режа тузилиб, бу давр ичида ўзбек тили изоҳли луғатини 10 жилдли қилиб нашр этиш ва изоҳланаётган бош сўзларнинг сонини 100 — 120 мингга етказиш режалаштирилган эди. Бу режа ҳақиқатга яқин бўлиб, чунки янги изоҳли луғатга истеъмолда бўлиб, аммо луғатда тушиб қолган сўзларни киритиш, шунингдек, Октябрь тўнтаришигача бўлган адабий тилда қўлланувчи сўзлар, шунингдек, адабий тилимиз меъёрига мос келадиган кўпгина тарихий, шева, касб-ҳунарга оид сўзлар ва атамалар янги изоҳли луғатдан жой олиши зарур эди. Институтнинг луғат бўлимида 3 миллионга яқин сўз — карточкалар фонди ҳамда талабалар ва жонкуярлар томонидан тузилган, аммо ҳали ишланмаган бир миллионга яқин сўз — карточкалар сақланади. Янги изоҳли луғатни тузиш учун луғатчи мутахассислар сонини 100 кишига етказиш (шундан20 ходим бевосита луғат тузади), сўз ёзилган карточкалар сонини 10 миллионга етказиш мўлжалланди.

Республикамиз мустақил бўлиб, миллий маданиятимизга катта эътибор берилиши туфайли, бинобарин, тилимизга Давлат тили мақоми берилгач, ўзбек тилининг изоҳли луғатига талаб янада ортди. Бундай луғатнинг яратилиши ўзбек тили ҳар қандай мураккаб тушунчаларни осонгина ва жозибали равишда ифодалашга қодир эканини намойиш қилган бўларди.

Афсуски, машҳур луғатшунос мутахассислар бирин-кетин сафимиздан кета бошлади. З. Маъруфов, С. Акобиров, С. Иброҳимов, А. Хўжахонов, З. Зуфаров, Г. М. Михайлов каби олимлар оламдан ўтди. А. Ҳожиев, А. Рустамов, М. Миртожиевлар бошқа соҳага ўтиб кетдилар. Янги луғатни тузишга икки мутахассис — мазкур мақола ҳаммуаллифи (Н Маматов — тақ.) ва Т. Алиқуловлар қолди. Бунинг устига Фанлар академияси томонидан институтга ажратиладиган штатлар ҳам, маблағлар ҳам йилдан-йилга камайиб борди, ҳатто сўз-карточкалар тузиш иши ҳам тўхтаб қолди.

Афсуски изоҳли луғат тузишдек муҳим давлат иши юқоридаги сабабларга кўра, Тилшунослик институтининг йиллар давомида илтимосларини ФА раёсати қондирмагани сабабли, шу йил апрель ойида ўтказилган институт илмий кенгаши янги изоҳли луғат тузиш ишини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

Етарли маблағ, штат ва техник воситалар ажратилмагани учун Тилшунослик институтида эксперименталь фонетика ва инженерлик лингвистикаси бўйича муҳим текширишлар ҳамда этносоциолингвистик тадқиқотларнинг тўхтатиб қўйилганига 6 — 7 йил бўлиб қолди, 7 — 8 йилдан бери фольклор ва диалектологик экспедициялар ўтказилмайди.

Бизнингча, ҳозирги шароитда мавжуд имкониятларни ишга солиш мумкин. Айни пайтда Тилшунослик институти ҳам ички имкониятларни ишга солиши мумкин. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир даврда институт Давлат тилини ўрганиш ва ҳужжатшунослик тўгаракларини очиш, ҳозирги янги алифбони ўқитишни ташкил қилиш, мактаб ва олий ўқув юрти ҳамда матбуот, радио, телекўрсатув ходимлари учун дарслик, қўлланмалар тузиб бериш бўйича ташкилот, муассаса, вазирлик, бошқармалар билан битим тузиши мумкин. Бу битимлардан тушган маблағларни изоҳли луғат тузиш ишига сарфлаш мумкин.

Бундан ташқари, ҳозир институт ходимлари асосан тарихий, шевачилик, атама луғатларини тузиш ишига жалб этилган. Ана шу луғатлардаги сўзларга изоҳли луғатлардаги каби изоҳ берилиб, кенгроқ ҳажмда тузилса (тарихий, шева ва атамаларнинг қайси бири изоҳли луғатга олинишини махсус амалий конференциялар белгилайди), изоҳли луғат тузишга қўшилган катта ҳисса бўларди.

Умуман, Тилшунослик институтида мўлжалланган иккинчи даражали мавзуларни ишлашни тўхтатиб (ёки чегаралаб), асосий илмий ходим ва лаборантларни турли фан соҳасига ва турли даврларга оид илмий, адабий, ижтимоий асарлардаги сўзларни тўлиқ карточкаларга олиш ишига ҳамда тўпланган сўзларнинг карточкалари устида ишлашга жалб этиш зарур. Айрим тажрибали мутахассис луғатшунослар бевосита изоҳли луғат тузиш билан шуғулланишлари лозим. Афсуски, Т. Алиқуловларга ўхшаган луғатшунослар республикада жуда кам, демак, ёш олимлардан, қобилиятли талабалардан луғатшунос мутахассислар тайёрлаш керак.

Хуллас, Ўзбекистон Фанлар академияси раёсати изоҳли луғат тузишдек давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим иш учун етарли штат, маблағ ва техник воситалар ажратса, Тилшунослик институти ҳам ички имкониятларини ишга солиб, асосий ходимларини кўп жилдли изоҳли луғат тўзиш ишига йўлласа, ўзбек халқининг ақл-заковати, фан ва техникасини, юксак маданиятини намойиш қилувчи, шуҳратга-шуҳрат қўшувчи изоҳли луғатни тузиш мумкин бўларди. Ўз қадр-қимматини, ўзлигини англаб бораётган халқимиз, унинг зиёлилари, талабалари бу ўта муҳим ишда фаол қатнашиб, бегараз ёрдамларини аямайдилар.

Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, мустақил бўлиши, юртимизнинг кучи, қудрати, халқаро обрўйи тобора ўсиб бораётган шу даврда халқнинг ақл-заковатини, маданият ва қудратини бутун дунёга намойиш қилувчи ўзбек тилининг изоҳли луғати, айниқса, зарур.

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
Н. МАМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Суратда: Ўзбекистон терма футбол жамоаси аъзолари.

XII Осиё ўйинлари

БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

Футболчиларимиз Осиё ўйинлари чемпиони бўлиб, Ўзбекистон довруғини оламга ёйдилар

THE 12th ASIAN GAMES HIROSHIMA 1994

Ватан туйғусини дилларга туйиш, она-диёрга бўлган муҳаббат шунчалик бўлади-да. Футболчиларимиз мутахассислару миллионлаб мухлислар кутган натижадан ҳам зиёда муваффақиятга эришдилар. Мустақил юртимизда футболни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли ўйинчилар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қилинаётгани, бу борада кенг йўл очган ҳукумат қарорининг амалда ўз самарасини бераётгани эришилган катта ғалабада инъикосини топди. Сал кам икки йил аввал газетамизда "Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади" деб башорат қилган эдик. Осиё ўйинларида футболчиларимизнинг олтин медалларни қўлга киритишлари эса Ўзбекистон ҳаҳоннинг футбол мамлакатларидан бирига айланаётганидан нишонадир.

Одатда мухлислар ҳал қилувчи учрашувни орзиқиб кутадилар. Тажрибали устоз Рустам Акрамов бошчилик қилаётган терма жамоамиз йигитлари ўз гуруҳларида ажойиб ўйинлар кўрсатиб, мағлубиятсиз, ҳатто дурангсиз очколар тўплаб, чорак финалга йўлланма олишган эди. Чорак ва ярим финал ўйинларида майдонга тушган Ватанимиз шунқорлари нафақат ўзбекистонлик ишқибозларни, қолаверса, Япония ҳамда ойнаи жаҳон орқали шоҳид бўлган миллионлаб мухлисларни лол қолдирдилар.

Ниҳоят, ўтган якшанба куни Осиё ўйинларининг футболчиларга мўлжалланган олтин медаллари кимга насиб этиши маълум бўлди. Финалга чиқиб, кумуш медални нақд қилиб қўйган футболчиларимиз Хитой терма жамоаси билан яшил майдонга тушдилар. Биз ойнаи жаҳон орқали майдонда футболчиларимиздан Юрий Шейкин, Февзи Давлатов, Андрей Федоров, Миржалол Қосимов, Фарҳод Муҳамедов, Сергей Лебедев, Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов, Абдусамат Дўрмонов, Александр Тихонов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Шуҳрат Мақсудовларнинг жавлон уришларини кўрдик.

Корея республикаси билан ярим финалда ўзига хос тактик услуб қўллаган терма жамоамиз устози бу сафар футболчиларимизни бошқача йўсинда ҳаракат қилишларига йўл-йўриқ берганлиги аён бўлди. Ярим финалда мустаҳкам мудофаада туришни мақсад қилиб олган йигитларимиз бу сафар ўйин бошиданоқ ҳужумкорликка зўр бердилар. Қоидага кўра, ўйин олдидан Ватанимиз мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғининг ҳилпираб туриши йигитларни руҳлантириб юборган бўлса, ажаб эмас. Ўйиннинг иккинчи дақиқасида И. Шквирин ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Орадан 6 минут ўтгач, Сергей Лебедев ҳисобни 2:0 га етказди. Шундан кейингина Хитой футболчилари жавоб тўпи киритишга эришишди. Танаффусдан кейин Хитой ўйинчилари Азамат Абдураимовга нисбатан қўполлик қилдилар. Ҳакам 11 метрли жарима белгилади. Азамат дарвозани бехато нишонга олди. Яна жавоб тўпи. Ҳисоб 3:2. Ҳужумкорликни бўшаштирмаган йигитларимиз дарвозани яна бир бор ишғол этишди: Дўрмонов — Шквирин — Мақсудов ҳамкорлиги билан умумий ҳисоб 4:2 га етди.

Шундай қилиб, футболчиларимиз Осиё ўйинларида ғалаба қозониб, жаҳон спорти жамоатчилигида ажойиб таассурот қолдирдилар. Уларнинг бу ютуғи тарих саҳифаларига ёзилажак. Бу учрашув билан Осиё ўйинларига якун ясалди. Спорт анжуманининг тантанали ёпилиши ўзига хос байрамга айланди. Ўзбекистон спортчилари жами 40 та (шундан 10 таси олтин) медалга мушарраф бўлиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллашди. Футболчилару спортчиларимизга бундан буенги халқаро мусобақаларда ҳам каттадан катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?

Савол: Мен иккинчи жаҳон урушида қатнашганман. Имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз!

К. ТОЖИЕВ, Сирдарё вилояти.

ЖАВОБ: Аввало, сиз "Жасорат" медали билан мукофотланасиз. Ундан кейин нафақа ва маошингизнинг 10 баробари миқдорини мукофот тариқасида оласиз. Бундан ташқари квартира ёки уйингизнинг коммунал тўловини 50 фоиз тўлайсиз. Яшаб турган ҳудудингиздаги транспорт воситаларидан бепул фойдаланасиз. Фақат таксидан ташқари.

***

Савол: Ўрта мактабда трактор ҳайдашдан дарс бераман. Ўзим 1-даражали катта ўқитувчиман. Лекин менга инструктор сифатида иш ҳақи тўлайдилар. Шу тўғрими?

Жаббор БЕРДИЕВ, Шаҳрисабз туманидаги А. Қодирий номли мактаб ўқитувчиси.

ЖАВОБ: Бу тўғрида Шаҳрисабз туман халқ маорифи бўлимига мурожаат қилишингиз керак, бўлим иш ҳақингизни кўриб чиқади.

Агар талабингизни қондиришмаса халқ судига ариза беришингиз мумкин.

***

Савол: Турмуш ўртоғим билан суд орқали ажрашганман. Ўртамизда икки фарзанд — қиз ва ўғлимиз бор. Болаларимнинг отаси маст бўлиб келиб, тўполон қилади, фарзандларимни уради ҳам. Нима қилай!

Машкура ЖЎРАЕВА, Андижон шаҳри.

ЖАВОБ: Ажрашган эрингиз яшаб турган туман халқ судига уни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво ариза беришингиз керак. Халқ суди Никоҳ ва оила кодексининг 83-моддасига асосланиб, оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқариб бериши мумкин.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

Шифокор огоҳлантиради

ФАРЗАНДИНГИЗНИ АСРАНГ

Кейинги икки йилда Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида полиомиелит билан касалланиш бўйича вазият мураккаблашди. Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида касаллик авж олганлиги қайд этилди. Полиомиелит билан кўпроқ 4 ёшгача бўлган болалар оғрийдилар. Бу дард билан оғриган боланинг гавдаси, оёқ-қўллари увишиб, фалаж бўлиб қолади.

Полиомиелитдан сақланишнинг ягона йўли — шу касалликка қарши эмлаш. Ушбу тадбир бола туғилгандан кейин орадан 3-6 кун ўтгач туғуруқхонада ўтказила бошлайди. Юз берган эпидемик вазиятни ҳисобга олиб, болалар ўртасида касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш учун 1994 йил октябрь-ноябрь ойларида республикамизда "Полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари" ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Илгари эмланган болалар яна бир марта эмланади. Ушбу тадбир самарали бўлиши учун барча болалар тўла ва ўз вақтида эмланиши зарур эканлигини эсда тутиш лозим.

Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш органлари томонидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Полиомиелитга қарши эмланиши керак бўлган болаларнинг рўйхати, эмлаш бригадалари тузилмоқда. Аҳоли яшайдиган жойларга яқин бўлган эмлаш пунктлари очиш мўлжалланмоқда. Мазкур тадбирнинг худди миллий байрам сингари уюшқоқлик билан ўтказилиши, унга болалар ва ота-оналар кенгроқ жалб қилиниши керак.

Миллий эмлатиш кунлари жамоат транспорти ва шахсий автомашина эгалари, бола кўтарган ота-оналарни эмлаш пунктларига бепул олиб борсалар кўп савоб иш бўлур эди. Эмлаш техникаси эса оддий бўлиб, унда укол қилинмайди. Балки, боланинг оғзига вакцина пуркалади, холос. Полиомиелит вакцинаси овқатдан бир соат олдин қабул қилинади. Вакцинани сув ёки бошқа бир суюқликка қўшиб ичиш, шунингдек, эмлашдан кейинги бир соат ичида овқат ейиш ва сув ичиш мумкин эмас. Чунки бу иммунитет ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатади.

Ота-оналарга фарзандларингиз полиомиелит деб аталган хавфли хасталикдан холи бўлиши ва бу касалликка чалинмаслиги учун эмлаш тадбирларини ўтказишда фаол иштирок этинг, болаларинингизни албатта эмлатинг, деб мурожаат этамиз.

М. ЗОЙИРОВ,
Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачи.

"Тараққиёт" шахсий воситачилик тижорат дўконининг думалоқ ва тўртбурчакли муҳри, турли хил фирмалар билан тузилган шартномалар, дўкон низоми, лицензия нусхаси, солиқ инспекциясига тегишли ҳисоботлар, шахсий патент (савдо-сотиқ учун), ер сотиб олганлик ҳақидаги тилхат, банкка пул ўтказилганлик ҳақидаги топшириув ва бошқа ҳужжатлар йўқолганлиги муносабати билан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисоднёт институти жамоаси кичик илмий ходим Д. Ф. Тохрига отаси **Фаттоҳ Ҳакимович ҲАКИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш ҳартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г — 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

1 2 3 4 5 6.